

# ШАРТНОМА

## 50/2022-сонли шартнома

Шахрисабз шаҳри

2022 йил **09** лекабр

"FINANCE CONSULTING BUSINESS" МЧЖ номидан низом асосида иш юритувчи Ш. Шакаримова бир томондан (бундан бўён матнда "Бажарувчи" деб юритилади) хамла Shahrисабз shahridagi va band bulmagan aholini kasb-hunarga o'qitish markazi номидан низом асосида иш юритувчи **Р. Раджабов** иккинчи томондан (бундан бўён матнда "Буюртмачи" деб юритилади) куйидагилар хакида мазкур шартномани туздик:

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. "Бажарувчи" ушбу Шартнома мувофиқ Shahrисабз shahridagi band bulmagan aholini kasb-hunarga o'qitish markaziga карашли "Шахрисабз шаҳридаги ИББАКҲУМ биносини таъмирлаш" ишлари учун лойиха ва смета (экспертиза хulosasi) хужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, "Буюртмачи" ушбу хизматларни кабул килиш ва хакини тўлаш мажбуриятини олади. Кўрсатиладиган хизматларнинг қатъий турлари, миқдори ва баҳоси ушбу шартноманинг ажраимас кисми бўлган спецификацияда келтирилади.

### II. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУКЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### 2.1. Буюртмачининг хуқуклари:

- бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб килиш;
- лозим даражадаги сифатда хизмат кўрсатилмаган тақдирда, ўз хоҳишига кўра куйидагиларни талаб килиш;
- камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини коплаш;
- баҳосини мутаносиб равишда пасайтириш;
- шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни коплашни талаб килиш.

#### 2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматларни қабул килиш;
- ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-банларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

#### 2.3. Бажарувчининг хуқуклари:

- буюртмачидан амалдаги конунчиликда белгиланган тартиба ва ҳажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб килиш;
- буюртмачидан бажарилган ишни қабул килишни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни коплашни талаб килиш;

#### 2.4. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- ушбу шартномага мувофиқ ёки Буюртмачининг 4.8-бандида белгиланган тартиба у томонидан тақдим этилган техник топширикка биноан хизматларни белгиланган муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;
- агар хизмат кўрсатиш жараёнида Бажарувчи шартнома шартларидан ва техник шартлардан четта чикса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичida аникланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш.

### III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг баҳоси 23 500 000 (йигирма уч милион беш юз минг) сўм, ҚҚС билан. Кўрсатиладиган хизматларнинг баҳоси ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилади.

3.2. Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 30 фоизи миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади ва маблағ Бажарувчининг ҳисоброқамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китobнинг қолган кисми бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзоланганидан кейин уч иш куни ичida амалга оширилади.

3.3. Хизматлар бўйича ҳисоб-китoblар банк ўтказмаси орқали Бажарувчининг ҳисоб ракамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

### IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

4.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қонун хужжатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартиба амалга оширилади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилшини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб хисобланади.

4.2. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл кўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилши санаси хисобварак-фактура тузилган кун деб хисобланади.

Ғазначилик штампида кўрсатилган сана Буюртмачининг хизматлар учун тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларини бажарадиган кун хисобланади.

4.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

4.5. Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган холда кўрсатилган хизматни кабул килишни рад этишга ҳаклиди.

4.6. Белгиланган микдордан ортиқ битта номдаги хизматни кўрсатиш худди шу техник топширикка киритилган бошқа номдаги хизматнинг камчиликларини тўлдириш деб хисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим. Буюртмачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

4.7. Кўрсатилаётган хизмат тўғридан-тўғри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилаётган хизматлар хажми, уларнинг сифати кўрсатилган хисобварак-фактура бўйича кабул килинади.

Шартномада назарда тутилган хизматлар ушбу шартномага мувофиқ ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

Буюртма бевосита (кўлда), почта оркали ёки бошка усул билан хизматларни кўрсатиш назарда тутилаётган сана бошланишидан беш кундан кечиктирмай тақдим этилади. Буюртма бевосита (кўлда) қабул килганда, Бажарувчининг ходими Буюртмачида коладиган буюртма нусхасида қабул килинганлиги тўғрисида белги кўяди.

4.8. Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор килишга ёки хизматларнинг тегишли кисмини кўрсатиш санасини Бажарувчини буюртмада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин хабар берган холда ўзгартиришга ҳакли.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Тақдим этилаётган хизматларнинг сифати, микдори, уларнинг баҳоси Бажарувчи томонидан нотўғри белгиланганлик ҳолати аниқланган тақдирда, Бажарувчи тақдим этилаётган хизматларнинг сифатини, шунингдек уларнинг микдорини хисобга олган холда кайта хисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ушбу хисобланган суммага кўшимча равишда мижозга нотўғри хисобланган сумманинг 20% микдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар тақдим этилаётган хизматларнинг сифати шартномада кўрсатилган техник ва бошка шартларнинг талабларига жавоб бермаса, айбдор томон тақдим этилган сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар баҳосининг 20% микдорида жарима тўлайди.

5.3. Жарима ва пенядан ташкари, Бажарувчи Буюртмачига хизматларни тақдим этмаслик натижасида етказилган зарарни коплади.

5.4. Хизматлар кечикирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Бажарувчи Буюртмачига хар бир кечикирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, аммо жариманинг умумий микдори кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечикириш ёки кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни коплашдан озод килмайди.

5.5. Кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вактида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига хар бир кечикирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, лекин муддати ўтган тўлов микдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

5.6. Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли харакат (харакатсизлик) натижасида Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Бажарувчининг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

Буюртмачининг Бажарувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида етказилган зарар, белгиланган тартибида Бажарувчи томонидан копланади.

5.7. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофиқ ҳал килинади.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чикадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинмаган низолар Тошкент шахар туманлараро иктисодий судила ҳал қилинади.

## VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлик ёки кисман тўғри бажаришига тўскинилик қиласидан ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнгин, тошкин, зилзила, бошка табиий оғатлар, экспорт ёки импортта тўсиклар ёки эмбарголар, уруш, жанговар харакатлар, террористик харакатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги конунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан кабул килинган умумий характердаги карорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир килса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вакти бундай ҳолатлар бартараф этилган вактта ёки уларнинг оқибатлари тугтига кўчирилади.

7.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат ҳакида шунингдек, ҳолатнинг таҳминий давомийлиги тўғрисида бошка Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичida хабардор қилиши шарт. Агар юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вактида хабар берилмаган бўлса, енгиб бўлмас куч таъсирида зарар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

7.3. Хабарномада кўрсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бирор улар билан чекланмаслик лозим. Бундай хабарноманинг йўклиги, шунингдек тегишли далилларнинг йўклиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилинишига асос сифатида юқоридаги ҳолатларни келтириш хукуқидан маҳрум килади.

7.4. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятларни оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш максадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

7.5. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўскинилик қиласидан бўлса, томонларнинг ҳар бири бошка томонга ушбу шартномани бекор қилишининг кутилаётган санасидан 10 (үн) иш куни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш хукукига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошка томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни коплашни талаб қилишга ҳакли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлик тўлайди.

## VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноконуний устунликларга ёки бошка ноконуний максадларга әришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблаглари ёки кимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

8.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги конунчилик ва ҳалқаро ҳужжатларнинг талабларини бузадиган харакатларни амалга оширмайдилар. Жиной йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид ҳалқаро ҳужжатлар талабларини бузилиши каби харакатларни амалга оширмайди.

8.3. Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошка Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошка усуслар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай харакатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рабbatлантируvчи томон фойдасига амалга оширган харакатлари деганда қўйидагилар тушунилади:

- бошка контрагентлар билан таққослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;
- ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;
- ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиқлиги тамойилларига зид бўлган бошка харакатлар.

8.4. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон килса, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилшини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги

тасдиклангунга кадар тұхтатиб туришга ҳақы. Ушбу тасдик ёзма хабарнома юборилған күндан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида юборылышы керак.

8.5. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шеріклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоңдаларнинг бузилғанлығы ёки бузилиши мүмкінлигини ишончли тарзда тасдиклайдын ёки асослаши мүмкін бўлған фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчиллик ва жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга карши кураш бўйича ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асослантирилиши лозим.

8.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартибга таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат килади. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шуғулланиши мүмкін бўлған контрагентлар билан ишибилармонлик муносабатлари ҳавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш максадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилюна ҳаракатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироки ҳавфини олдини олиш максадида текширувлар ўтказиш тартибга таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мүмкін бўлған ноконуний хатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончлилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлған нохуш оқибатларга олиб келиши мүмкінлигини тан олади.

8.8. Томонлар маҳфийлик тамойилларига риоя килган ҳолда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий кийинчилликларни бартараф этиш ва юзага келиши мүмкін бўлған низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни кўллашни кафолатлайдилар.

8.9. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ маҳфийликни, шунингдек, талаблар бузилғанлығи фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтириласлигини кафолатлайдилар.

## IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Ушбу шартнома Томонлар имзолаган күндан бошлаб кучга киради ва 2022-йил 31-декабргача амал килади.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва хисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

## X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошка томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилған тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мүмкін.

10.2. Ушбу шартномага киритилган ҳар кандай ўзгартириш ва қўшимчалар факат ёзма равища тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қилади.

10.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлған икки нусхада тузилди.

10.4. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб оширилади.

## XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

Бажарувчи:

"FINANCE CONSULTING BUSINESS" МЧЖ

Манзил: Тошкент шаҳар

Тел: 903580402

Р/с 2020800300578833001

Банк реквизитлари: Ипотека банк АТИБ

МФО: 00423

ИНН: 303757075

ОКОД: 74110

BUSINESS

Бажарувчи:

М.Шакаримова

Шартийеска шартларни ғасидж  
такаддига мес салади.

Юрисдикция:

Буюртмачи:

СЕДОРОВА ОЛЕГА НИКОЛАЕВНА  
БОНЕ ДЖЕРЕЛОН ОХОНОН САБО  
ХУМАРДА ЎЗГАРЫШ ШАРКИЗ  
СЕДОРОВА ОЛЕГА НИКОЛАЕВНА - 39 й  
Ш/Р - У0142286010405704123227001.  
ЎЗБЕКСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНЕД  
ВОЗФОРЛЕРИ РАҲАБАРЛАШГАВ  
Х/Р - 03У000003001000001010.  
Марказий Бонк Тошкент  
коди - 000147, инр. - 201922919.

Буюртмачи:

М.Радиков



Ўзбекистон  
Республикаси  
Қурилиш вазирлиги

№ 1458-765e-e9c1-476f-4301-0824-1638  
Хужжат яратилинган сана: 2020-06-17  
Ариза рақами: 19751954

Хужжат берилган: ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ  
ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ "FINANCE CONSULTING"  
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 303757075

## Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун ЛИЦЕНЗИЯ

ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ "FINANCE CONSULTING" га объектларнинг  
мураккаблик тоифалари классификатори бўйича II тоифадаги объектлар учун қўйидаги:  
Тўлиқ комплексда лойиҳалаш бўйича фаолият турлари. А гуруҳи - Энергетика қурилиши ва алоқа  
объектлари ва комплексларини лойиҳалаштириш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари  
ва тизимларини лойиҳалаштириш, Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш,  
реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, Магистрал  
муҳандислик тармоқларини (магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари  
кувурларидан ташқари) лойиҳалаштириш, Транспорт ва йўл қурилиши объектлари ва  
комплексларини лойиҳалаштириш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва  
тизимларини лойиҳалаштириш Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларининг айrim бўлимларини  
ишлаб чиқиш бўйича фаолият турлари. Б гуруҳи - Қурилиш объектларини мукаммал ва жорий  
таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари фаолият тур(-лар)и билан шуғулланишга лицензия  
берилди.

Лицензия берилган сана: 17-06-2020 йил

Лицензия рақами: АЛ-000885

Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР): 303757075

Юридик шахснинг почта манзили: 15 МАВЗЕ, 33 А

Лицензия амал қилиш муддати чекланмаган.

ТУРСУНОВ АСКАР ШЕРАЛИЕВИЧ

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон  
карори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат  
хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон  
ҳужжатнинг нусхаси хисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган  
маълумотлар тўғрилигини текшириш учун [hero.gov.uz](http://hero.gov.uz) веб-сайтига ўтинг ва  
электрон ҳужжатнинг ноёб рақамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-  
кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги  
728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний  
хисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон  
ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъяни тақиқланган.

4125





三



# «ТАСДИКЛАЙМАН»



Шахрисабз ишсиз ва банд  
булмаган ахолири касб-хунарга  
уқитишмаркази директори

Ф.Раджапов

09.12.2022 йил

№ 12/22

Шахрисабз шахри

Шахрисабз шахар Ишсиз ва банд булмаган ахолини касб-хунарга уқитиш марказини ташабbusли бюджет маблаглари хисобидан жорий таъмирлаш ишларини лойиха смета хужоатларини тайёрлаш буйича танлов асосида шартнома тузиш буйича комиссиясининг

## ТАНЛОВ КОНКУРС БАЁНИ:

### Кун тартибида куриладиган масала:

Шахрисабз шахар Ишсиз ва банд булмаган ахолини касб-хунарга уқитиш марказини ташабbusли бюджет маблаглари хисобидан жорий таъмирлаш ишларини лойиха смета хужоатларини тайёрлаш буйича танлов асосида шартномани тасдиқлаш туғрисида.

Комиссия танлов конкурсга қатнашган вакилларнинг таклифларини кўриб чиқиб, жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун лойиха смета хужоатларини бўйича 4 та хусусий корхона таклифлари тақдим этилган. Натижа куйидагича:

Танлов конкурс буйича 2022 йил 05 декабр кунидаги № 22110012198381 сонли лот протокол эълон шакллантирилгандан кейин энг юкори балл билан "FINANCE CONSULTINC BUSINESS" МЧЖ ғолиб бўлди ва 2 кун мухокамада қўйилди ҳамда бошқа эътиrozлар бўлмагандан кейин "FINANCE CONSULTINC BUSINESS" МЧЖ билан шартнома тузилди.

## ТАНЛОВ КОНКУРС КОМИССИЯ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

"FINANCE CONSULTINC BUSINESS" МЧЖ ғолиб деб топилсин.

2. "FINANCE CONSULTINC BUSINESS" МЧЖ томонидан тузилган шартномани ғазначиликдан руйхатдан ўтказиш ва олдиндан толовни амалга ошириш О.Аъзамовга, қурилиш пуррат ишларини назорат қилиб бориш С.Одилов зиммасига юклатилсин.

3. Ушбу баённома қарорини бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

АЪЗОЛАР:

О.Аъзамов

С.Одилов

А.Жамолов

А.Юлдошева

Л.Музффарова

Котиб.